

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва Сапорт вазири
ҳамда Ходим ўртасида тузилган
_____сон МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

2024 йил 15 январ

Ўзбекистон Республикаси Спорт вазири **Икрамов Адхам Илхамович** (кейинги ўринларда “Иш берувчи” деб аталади) ва Вазирлик котибаси **Ходимнинг Ф.И.Ш.** кейинги ўринларда “Ходим” деб аталади) мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Ходим

(фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ)

(корхона бошқармаси, таркибий бўлинмаси, лаборатория ва шу кабилар номи)

лавозимига тайинланди.

(ЯТММ бўйича касб, лавозимининг тўлиқ номи, разряд, малака тоифаси)

2. Шартнома

хисобланади.

(асосий иш бўйича, ўриндошлик бўйича ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартнома)

3. Шартнома муддати:

(номуайян муддатга, 5 йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга, муайян ишни бажариш вақтига ва унинг номи)

4. Шартнома бўйича ишнинг бошланиш куни:

5. Синов муддати:

(Дастлабки синов муддати уч ойдан, ташкилотларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош бухгалтерлар ҳамда ташкилотлар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарлари учун эса олти ойдан ошмаслиги керак)

6. Ходимнинг мажбуриятлари:

а) меҳнат ва технология интизоми (ички меҳнат тартиби қоидалари, низомлар, одоб-ахлоқ қоидалари)га риоя қилиш;

б) иш берувчининг қонуний фармойишлари, буйруқлари ва топшириқларини бажариш;

в) меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиш;

г) лавозим йўриқномаларига риоя қилиш;

д) ЯТММ, ММ билан назарда тутилган малака мажбуриятларига риоя қилиш;

е) қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя қилиш;

ж) жамоа шартномаси шартларига, мазкур меҳнат шартномаси шартларига риоя этиши;

з) бошқа ходимларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни содир этмаслиги;

и) иш фаолиятига доир конфеденциал маълумот (ахборот)ларни тарқатмаслик яъни сир сақлаш.

й) шахсий маълумотларига киритилган барча ўзгаришлар тўғрисида, бундай ўзгаришлар киритилган кундан бошлаб 2 (икки) иш кунидан кечиктирмай, тасдиқловчи ҳужжатларни (асос) илова қилган ҳолда Иш берувчини ёзма равишда хабардор қилиши. Мазкур хабарнома мавжуд бўлмаганда, Ходим Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларининг ҳар қандай эҳтимоллий бузилишига йўл қўйганлиги, Иш берувчини расмий хабардор қилмаганлиги оқибатида унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига яқка тартибда жавобгар бўлади.

к) бевосита ёки билвосита нақд, нақдсиз пул маблағлари ёки бошқа моддий қимматликлар, мулк, мулк ҳуқуқи, мулкый тусдаги хизматларни ёки бошқа моддий ва (ёки) номоддий имтиёзларни таклиф қилмаслик ёки қабул қилмаслик, ваъда бермаслик, рухсат этмаслик, талаб қилиш ёки олишга розилик бермаслик, расмийлаштирилган соддалаштириш учун тўловларни олмаслик, асосланмаган устунликка эга бўлмаслик ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш мақсадида бирон бир шахсдан ёки таъсиридан фойдаланмаслик, ҳуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланмаслик, ўз хизмат вазифаларини суистеъмол қилмаслик; бошқалар томонидан коррупциявий хатти-ҳаракатни содир этиш ёки унда иштирок этиш истаги сифатида талқин этилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар (хулқ-атвор)дан ўзини тийиш; л) манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлишининг олдини олиш бўйича чоралар кўриш ва агар улар юзага келса, бу ҳақда Иш берувчини зудлик билан хабардор қилиш, ҳал қилинишига қўмаклашиш; м) бошқа бир ходим томонидан содир этилган коррупцияга оид фактлар ёки шубҳа (гумон)лар аниқланганда, бу ҳақда белгиланган тартибда Иш берувчига хабар бериш.

7. Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) ходимнинг меҳнатини ташкил этиш, ходимни Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидалари, лавозим йўриқномалари, жамоа шартномаси ва бошқа норматив ва маҳаллий ҳужжатлар билан таништириш;

б) меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаш;

в) иш ҳақини ўз вақтида тўлаш;

- г) хавфсиз ва самарали меҳнат қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, ходимни ўқитиш, унга меҳнатнинг хавфсиз шарт-шароитлари тўғрисида йўл-йўриқ бериш;
д) иш жойини меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ жиҳозлаш;
е) қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя қилиш;
ж) жамоа шартномаси шартларига риоя қилиш;
з) иш берувчи томонидан қабул қилинадиган бошқа мажбуриятлар;
и) ходимга ҳар йили бир марта кунга ҳақ тўланадиган меҳнат таътили бериш.
- Иш берувчининг зиммасида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

8. Иш куни режими: _____
(тўлиқсиз иш куни, тўлиқсиз иш ҳафтаси, қисқартирилган иш вақти, соатбой иш, иш кунининг бошланиши ва тамом бўлиши ва бошқалар)

9. Меҳнат ҳақи тўлаш.
Ходимга қуйидагича ҳақ тўлаш белгиланади: _____ **ишлар жадвалига мувофиқ**

а) _____
(тўлов тури ва унинг аниқ суммадаги ёки ЯТС разряди кўрсатилган ҳолдаги, ёхуд тушумдан олинган фойзалардаги миқдори)

б) амалдаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган қўшимча ҳақ, устама, компенсациялар қуйидаги миқдорларда:

_____	_____
(қўшимча ҳақ, устама, компенсациялар номи)	(уларнинг миқдори)
в) жамоа шартномаси шартлари билан назарда тутилган, шунингдек, берилган (мавжуд) ҳуқуқлар ва маблағлар доирасида раҳбар томонидан белгиланадиган қўшимча ҳақ, устама, мукофот, тақдирланишлар ва рағбатлантирувчи турдаги бошқа тўловлар:	
_____	_____
(қўшимча ҳақ, устама, компенсациялар номи)	(уларнинг миқдори)

10. Ходимга:
- а) асосий таътил (меҳнат таътили) _____ иш кунидан;
- б) қўшимча таътил _____ иш кунидан иборат бўлган ҳақ тўланадиган йиллик таътил белгиланади.
11. “Ходим” ўзининг хизмат вазифасини бажариш вақтида, ўзининг ҳаракат ва ҳаракатсизлиги оқибатида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ЎРҚ-419-сонли Қонуни қоидаларига риоя этмаган ҳолда қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйганликлари учун “Иш берувчи” ташббусига асосан мазкур меҳнат шартномаси бекор қилинади.
12. Меҳнат шартномаси (контракт)нинг меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлаш хусусиятлари, ижтимоий ҳимоя, имтиёз, кафолат ва ҳоказолар билан боғлиқ бошқа шартлар:
Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар амалдаги қонунчилик тартибида ҳал этилади.
13. Меҳнат шартномаси икки нусхада тузилади, ҳар бир томон учун биттадан, иккиси ҳам тенг юридик кучга эга бўлади ва шартнома имзоланган кундан кучга киради.

Томонларнинг манзиллари ва имзолари:	
Ходим:	Иш берувчи:
Паспорт ёки идентификация	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва
ID-карта маълумотлари:	Спорт вазири
Ходимнинг Ф.И.Ш.	Икрамов Адхам Илхамович
Манзил:	Манзил:
	Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,
	А.Қодирий кўчаси, 2-уй
Телефон:	Телефон: (+99871) 239-24-48
СТИР:	Электрон манзили:
	E-mail: info@minsport.uz
	E-xat: sport@exat.uz
	СТИР: 309319117
Имзо	М.Ў.
	Имзо
сана: 2024 йил _____	сана: 2024 йил _____